201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 84 (84), 2020 йил 15 май, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

15 май — Халқаро оила куни

ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ ГАВҲАРИ, ТАЯНЧ УСТУНИ

Раҳмат МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири

Оила давлат ва жамиятнинг ажралмас бўғини, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказувчи муқаддас маскандир. Шу боис, азал-азалдан ота-боболаримиз бу табаррук масканни кўз қорачиғидек асраб, оилавий қадриятларимиз бардавом бўлиши учун қатъий курашган. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида асрлар оша боқий яшаб келаётган ушбу барҳаёт анъаналарни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Муаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Айтиш керакки, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, оилада, жамият ҳаётида иштирокини кенгайтириш, оилада соғлом фарзандларни камолга етказишга йўналтирилган қарийб 150 га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Уларда белгиланган вазифалар изчил ижро этилиши натижасида оилаларда маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий муҳитни яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралда қабул қилинган "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда маҳаллаларда тинчлик-тотувлик муҳитини таминлаш, оила институтини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини, "Соғлом оила — соғлом авлод" ғоясини ҳаётга кенг татбиқ этиш, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Мазкур Фармон билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиб, айни пайтда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида вазирлик томонидан 368 381 та эҳтиёжманд оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 51,6 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун 8 миллиард 666 миллион сўмлик бошланғич бадал маблағлари тўлаб берилди.

Аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ўттиз етти минг нафардан зиёд хотин-қиз ҳақ тўланадиган жамоат юмушларига, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, томорқа ва бошқа йўналишлардаги тадбиркорлик ишларига жалб этилди. Кўплаб имконияти чекланган оилаларга томорқачиликни ривожлантириш, иссиқхоналарида турли маҳсулотлар етиштиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Глобал пандемияга қарши қизғин кураш кетаётган бугунги кунларда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш янада долзарб вазифага айланди. Вазирлик ҳузурида ташкил этилган Ҳомийлик хайриялари мувофиқлаштириш марказлари томонидан ҳомийлик маҳсулотлари эҳтиёжманд оилаларга етказиб берилмоқда. Бугунги кунга қадар 385 699 та оилага зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 777 та эҳтиёжманд оилага 160 млн. 712 минг сўм нақд пул кўринишида моддий ёрдам берилди.

Олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда кўчма дўконлар ташкил этилмоқда ҳамда у ердаги фуқароларимиз ҳам зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаётир.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, фонднинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида ташкил этилган "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали ҳозирги кунга қадар халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликлар қарори билан тасдиқланган рўйхат асосида юртимиздаги 163 546 та оилага 36 млрд. 32 млн. 275 минг сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Албатта, бу ишлар оилаларда иқтисодий-ижтимоий муҳитни яхшилашда ўз самараларини беряпти.

Шу билан бирга, оилавий қадриятларимизга раҳна солаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолатни кейинги йиллардаги оилавий ажримлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Биргина 2020 йилнинг шу вақтига қадар республикамиз бўйича 7 880 та ажралиш рўйхатга олинган. Бу ажралишларнинг қайд этилган никоҳга нисбатан коэффициенти 15,8 фоизга тенг эканини, оддийроқ айтганда, янги турмуш қураётган 100 та оиладан қарийб **16 та**сининг тақдири ажралиш билан якун топаётгани ачинарлидир. Ажралишларнинг асосий сабаби сифатида оилавий келишмовчилик, фарзандсизлик, узоқ вақт бирга оила бўлиб яшамаслик, миграция, ўзаро хиёнат ва бошқа ҳолатлардир.

Давоми 2-бетда

Фуқаролик жамияти

ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хизмат қилади

Рустам НОРЛИЕВ,
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази Сурхондарё ҳудудий бўлинмаси раҳбари

Жамият ҳаётидаги энг долзарб, фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутади. Қолаверса, жамиятда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, умуман, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш борасида изчил, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ўз ифодасини топди. Унда "мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаб бериш" муҳимлиги таъкидланиб, Жамоатчилик палатасини ташкил этиш таклифи берилди.

Бунинг натижаси ўлароқ, Мурожаатномада илгари сурилган "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" деган ғояни амалиётга йўналтириш, давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамият ҳаётини демократлаштиришга қаратилган жамоатчилик фаолиятини ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан мамлакатимизда Жамоатчилик палатаси институтига ҳуқуқий мақом берилиши билан, энг аввало, жамоатчилик назорати орқали жамиятда барқарорликни таъминлаш имконияти яратилди. Чунки Жамоатчилик палатаси ўз фаолиятида, **биринчидан,** фуқароларнинг қизиқишлари, интилишлари, эҳтиёж ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Давоми 2-бетда

Прокуратура органларида

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Евгений КОЛЕНКО,
Бош прокуратура академияси бошлиғи

Замонавий талабларга жавоб бера оладиган, прокуратура органлари олдига қўйилган муҳим вазифаларни самарали бажаришга қодир, билимли, салоҳиятли, касбига садоқатли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 8 майда қабул қилинган "Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни замонавий андозалар асосида ташкил этишда муҳим асос бўлди. Ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси ташкил этилиши бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Академия ташкил топганидан сўнг академик таълим ва амалиёт ўртасидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, прокуратура органларини прокурор-тергов фаолиятининг турли йўналишлари бўйича зарур кўникма ва компетенцияларга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш, прокуратура органларида лавозимларни эгаллашга номзодларни касбий қайта тайёрлашнинг мутлақо янги модели яратилди.

Укитишнинг эски, сийқаси чиққан шакл ва усуллари тубдан қайта кўриб чиқилиб, фан, таълим ва амалиётнинг чуқур ўзаро алоқаси ва алмашинувига асосланган илғор инновацион таълим технологиялари жорий этилди.

Давоми 2-бетда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ЖИЛОВИНИ МАҲКАМ УШЛАГАН ҲОЛДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ЮМШАТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 май куни **МАМЛАКАТИМИЗДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРГАН ҲОЛДА ЯНАДА ЮМШАТИШ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИШЛАТИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ЮЗАСИДАН** *видеоселектор йиғилиши ўтказилди.*

1

Кичик бизнес ва фермер хўжаликларига ижтимоий солиқ ставкаси май-июль ойларида ***12 фоиздан 1 фоизга туширилади.*** *Бунинг натижасида* ***260 мингдан зиёд корхона*** *ва фермер хўжаликлари жами* ***650 миллиард сўм маблағларни тежаган ҳолда,*** *уларни сармоя ва* ***АЙЛАНМА МАБЛАҒ СИФАТИДА ИШЛАТИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИ.***

2

Кичик бизнес вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ***ЕР ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ.*** *Бунинг ҳисобига* ***50 мингдан ортиқ тадбиркор 300 миллиард сўмни тежайди*** *ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди.*
Шунингдек, аввалги қарорга асосан, апрель-май ойларида 1 мингдан зиёд тадбиркорнинг ер ва мол-мулк солиқлари ва пенялари бўйича кечиктирилган ***80 МИЛЛИАРД СЎМ ТЎЛОВЛАРИ КЕЧИБ ЮБОРИЛАДИ.***

3

Тадбиркорларга божхона тўловларини ***120 КУНГАЧА КЕЧИКТИРИБ ТЎЛАШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИ.*** *Бу уларга жами* ***540 миллиард сўмни тежаш*** *ҳамда ушбу маблағларни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.*

4

Эҳтиёжманд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақа олувчи оилалар сони қўшимча 70 мингтага ёки 10 фоизга кўпайтирилиб, ***БЮДЖЕТДАН ЯНА 200 МИЛЛИАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ.***

5

Илгари ставкаси ***22 фоизгача*** *бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилган бўлса, энди ставкаси* ***26 ФОИЗГАЧА БЎЛГАН КРЕДИТЛАРНИНГ ФОИЗЛАРИ ҲАМ ҚИСМАН ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.*** *Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун* ***500 миллиард сўмгача*** *(илгари 10 миллиард сўмгача) берилган* ***КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КОМПЕНСАЦИЯ МИҚДОРИ 5 ФОИЗДАН 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ.***

6

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий қилинган аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун кредит бериш тажрибаси Тошкент шаҳрида ҳам татбиқ этилади. Шу орқали ***ПОЙТАХТДА ҚАРИЙБ 10 МИНГТА МАВСУМИЙ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ.***

7

Маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотига нисбатан ички талабни ошириш ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ташкилотларига ***III-IV чоракдаги харидларини II чоракда амалга ошириш ҳуқуқи берилади.*** *Умуман, иқтисодиётни ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча* ***2 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.***

Улуғ муҳаддис Имом Бухорий нафақат ақл-заковат ва тақвода, балки хайру саховатда ва бағрикенгликда ҳам ўз замондошларига намуна бўлганлар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 15 май, 84-сон

15 май — Халқаро оила куни

ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ ГАВҲАРИ, ТАЯНЧ УСТУНИ

Бошланиши 1-бетда

Оилавий келишмовчиликларнинг туб илдизида маънавий сабаблар қатори иқтисодий муаммоларнинг етакчи ўринларда туришига кўз юмиб бўлмайди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги вазиятнинг ана шу жиҳатларига чуқурроқ кириб бориш ҳамда бу тоифа оилаларга имкон қадар кўмак кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Жорий йилнинг 28 мартидан 28 апрелига қадар республика миқёсида ўтказилган "Оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш" тарғибот ойлиги давомида 2 млн. 742 минг 65 та оиладаги мавжуд вазият ўрганиб чиқилди ҳамда 29 минг 98 та оилада аниқланган муаммо ва камчиликлар бартараф этилди.

Оилалар мустаҳкамлигини сақлашнинг маънавий асосларини чуқурлаштириш бўйича олиб бораётган ишларимизни таҳлилий кўриб чиқиш, бу борада имкон қадар самарали воситаларни ишлаб чиқишни бугунги кунда даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Аввало, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш тизимини қайта ташкил этиш бу борадаги энг самарали йўллардан биридир. Бунда никоҳдан ўтувчи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, эзгу ишлари билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлаётган оилаларни маҳаллалар ўртасида тарғиб қилиш ва уларни

рағбатлантириш, жамият негизи бўлган оила институти, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича эътиборга лойиқ ишларни оммалаштириш орқали жамоатчиликнинг таъсирчан тизимини йўлга қўйиш лозим.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан жамиятимизда мазкур тамойилларни жорий қилиш билан бирга, ўз фарзандларига замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўргатиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига ҳисса қўшаётган ота-оналарни қўллаб-қувватлаш, қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг халқимизга муносиб фарзандлар этиб камолга етишида оиланинг, бувиларнинг, оналарнинг, маҳалладаги кайвони аёлларнинг ўрни ва таъсирини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Юртимиздаги ҳар бир маҳаллада нотинч оилалар мавжуд ҳамда жамиятимиздаги кундалик салбий ҳолатларнинг аксарияти уларнинг турмуш тарзи ва турли муаммолари билан боғлиқ. Бизнинг асосий мақсадларимиздан яна бири нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маҳалланинг ҳурматга сазовор инсонлари ёрдамида улардаги низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида манзилли иш олиб боришдан иборат.

Бу борада Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги таркибида ташкил этилган "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти томонидан ҳам оиланинг жамиятдаги асрий нуфузи ва аҳамиятини янада ривожлантириш борасида илмий ҳамда асосли ишлар олиб борилмоқда.

Бу эзгу ишлар замирида жамиятнинг гавҳари, таянч устуни бўлган оилани кўз қорачиғидек асраш, бу борадаги асрий қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашдек, оиланинг ёш авлод камолотидаги ўрнини янада юксалтиришдек муҳим мақсад мужассам.

Прокуратура органларида



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш модели ҳам қайта кўриб чиқилиб, босқичма-босқич замонавийлаштирилди.

Ушбу курслар тингловчиларнинг фаолиятини ташкил этишнинг инновацион метод ва шакллари, бошқарув асосларини эгаллаш, уларнинг билимлари ва бошқарув кўникмаларини чуқурлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг самарали механизмларини яратиш, шунингдек, касбий фаолиятга асосланган компетенцияларини ривожлантиришга қаратилгандир.

Прокуратура органларининг ҳар бир ходими илк бор уч йилда камида бир марта ўқиши шартлигини белгиловчи тартиб ўрнатилди. Икки йил давомида академияда 10 мингдан ортиқ тингловчи таълим олди. Академия ўқув режа ва дастурларини тузишда Бош прокуратура тармоқлари ва қуйи турувчи прокуратуралар билан ўзаро алоқа механизмларидан фойдаланишнинг мажбурийлигини белгиловчи тартиб ўрнатилди.

Мунтазам равишда сўровлар ўтказилиб, ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган, ўзгариб борувчи ўқув эҳтиёжлари диагностика қилинмоқда, бу эса назария ва амалиётнинг чуқур ўзаро алоқасини таъминламоқда.

Ўқув дастурлари ҳам ўзаро алоқа материаллари таҳлили, хусусан, амалиётда тизимли тус олган камчиликлардан иборат ҳуқуқни қўллаш амалиётининг асосий муаммоларини умумлаштириш натижаларини ўзида акс эттирган.

Академия олдига қўйилган асосий вазифалардан бири сифатида давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа масалалари бўйича малакасини оширишнинг белгиланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлган янгилик бўлди. Ўтган давр мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва давлат хизматчиларининг 6000 нафарга яқини академияда таҳсил олди.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб академияда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашга асос солинди. "Прокурорлик фаолияти" ва "Тергов фаолияти" мутахассисликлари билан бир қаторда республикада илк маротаба академия магистратураси негизида мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёнида энг долзарб ва юқори талабга эга бўлган "Коррупцияга қарши курашиш" йўналиши бўйича тор доирадаги мутахассислар тайёрлаш ташкил этилди.

Магистратурадаги ўқув жараёни кредит-модул тизими асосида олиб борилиб, ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқлигига асосланади.

Академиянинг ўқув жараёнига амалиётга асосланган ва компетенциявий ёндашув жорий этилиб, фаолиятнинг барча соҳалари рақамлаштирилиши замонавий ахборот-таълим муҳитида инновацион узвийликка ўтиш ҳамда электрон (масофавий) таълим механизмларини тўлиқ жорий этиш имкониятини берди. Мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган бир қатор дастурий маҳсулотлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаларини қўлга киритди.

2018 йил ноябрь ойида академияда асосий иш жойидан ажралмаган ёки қисман ажралган ҳолда таълим олишга мўлжалланган "ProAcademy" ахборот-таълим электрон портали ишга туширилиб, унинг воситасида ўтган давр мобайнида 4717 нафар ходим ўқитилди.

Коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик ҳолат туфайли карантин чоралари жорий этилиши натижасида барча йўналишлар бўйича таълим дастурлари тўлиқ масофавий таълим режимига ўтказилди. Қўшма илмий тадқиқот ўтказиш, меъёрий-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида фаол ва самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирга қадар 30 дан зиёд етакчи илмий ва таълим муассасаси билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, 15 нафар хорижий мутахассис узоқ муддатли асосда ўқув жараёнига жалб қилинди.

Талабалар алмашинуви дастурларини амалга ошириш бўйича эришилган келишувлар асосида академия магистратураси талабалари ҳозирги кунда етакчи хорижий таълим муассасаларида таҳсил олмоқдалар. Хорижий мутахассислар жалб қилинган ҳолда тингловчиларга юридик инглиз тилини чуқур ўқитиш ташкил этиб келинмоқда.

2019 йилда академиянинг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган замонавий аудитория фондига эга бўлган янги биноси фойдаланишга топширилди. Махсус хоналар (полигонлар) суд жараёнларини моделлаштириш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва бошқа амалий машғулотларни ҳақиқий шароитларга яқинлаштирилган ҳолда ўтказиш имконини беради. Тергов ва тезкор-кидирув тадбирларини ўтказиш бўйича амалий ва махсус кўникмаларни шакллантириш мақсадида вазиятли ўқув машғулотлар тизимли равишда ташкил этиб келинмоқда.

Академиянинг 15 минг дона адабиёт фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва бир қатор халқаро илмий электрон кутубхоналарга уланган. Профессор-ўқитувчилар томонидан 150 дан ортиқ ўқув, услубий ва амалий қўлланма, монография ва бошқа махсус адабиётлар тайёрланди ва чоп этилди. Муассаса жамоаси 12 та халқаро, шунингдек, Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-техник дастурлари доирасида 5 та илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишга жалб этилган. Уч мутахассислик бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш бўйича илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида идоралараро илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида академия ташаббуси билан соҳага ихтисослашган қатор илм-фан ва таълим муассасалари иштирокида илмий-тадқиқот консорциуми ташкил этилди.

Академиянинг Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази фаолияти алоҳида эътиборга молик бўлиб, бунда асосий йўналишлар сифатида таҳлилий, илмий ва эксперт салоҳиятини юксалтириш, коррупцияга қарши кураш соҳасида кадрларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш, шунингдек, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш кабилар белгиланган.

Шунингдек, муассаса томонидан жиноятлар содир этилишининг сабаблари тизимли таҳлил қилинади ва ўрганилади, ҳуқубузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолият услубий таъминланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни таъминлаш соҳаларида илмий тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида тизимли мониторинг механизмлари жорий этилган.

Ўз навбатида, бундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тингловчилар истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича ўтказиладиган "Тараққиёт" республика танловида, "Эл-юрт умиди" жамғармасининг стипендияли танловида ҳамда IJET, JICA, E4J, RGSL ва бошқа халқаро танловлар ва дастурларда юқори натижаларга эришмоқда.

Ўтган даврда академия мунтазам равишда юриспруденциянинг муҳим масалалари бўйича мутахассисларнинг мулоқот ва ҳамкорлик қилиши учун халқаро майдон яратиш ташаббуси билан чиқди. Конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказишда халқаро даражадаги академик мобиллик ва билимлар трансферини таъминлаш майдончаси яратилди.

Қисқа қилиб айтганда, таълим масканимиз малакали кадрлар тайёрлаш ва илм-фан салоҳиятини юксалтириш, соҳани билимли ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашда қисқа муддатда ана шундай ўзига хос натижаларга эришди. Шу билан бирга, ҳали олдимизда бу борада амалга оширилаётган муҳим ишлар ҳам кўп. Бу вазифаларни бажариш учун таълим ва илм-фан соҳасидаги изланишларни изчил давом эттириш зиммамиздаги асосий бурч бўлиб қолади.

Саховатни кўп бўлса ҳам, кам бўлса ҳам доим қилиш тоғларнинг чўққисидек яхшиликларни ҳосил қилади.

Носируддин Самарқандий

Қадрият

ИМОМ БУХОРИЙ САХОВАТИ



Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Инсон боласи баъзан турмушнинг залворли зарбаларга рўбарў бўлиши, гоҳида ўз ихтиёридан ташқари ҳодисалар сабаб мушкул вазиятларнинг иштирокчисига айланиши мумкин. Бунда сабру қаноатни касб қилиш, атрофдагилар билан ҳамжиҳат иш тутиш синов азобларини енгиллаштириб, муаммолардан осон ўтиш имконини беради.

Бугун нафақат биз, балки бутун дунё синовли кунлар қаршисида. Аммо халқимиз бундан довдираб қолгани йўқ. Яратганнинг бу тақдирига сабр қилиб, олға интиляпмиз. Бундай кунлар халқимиз бошидан кўп ўтган. Лекин ҳамиша қалблари гўзал фазилатлар билан зийнатланган йўлбошчилар, олимлар, саховатли кишилар сабабли ватандошларимиз бир мушт бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, чин маънодаги халқ сифатида ўзлигини намоён қилиб, мушкул вазиятдан чиқа билган.

Бугунги "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати донишманд халқимизнинг аждодлардан ўзига мерос қилиб олган инсонпарварлик фазилатларининг амалий исботи ўлароқ ўртага чиқди.

Аслида саховатпешалик, муҳтожларга кўмак кўрсатишга тайёрлик, мушкул вазиятдаги оилалар, кишилар, аёллар ва болалар, кексалар ҳолидан хабар олишда, жайдари қилиб айтганда, одамгарчилик борасида ўзбек халқи ҳамиша олдинги ўринларда туриши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги воқеалар ривожи ҳам бунга яққол мисолдир.

Ислом оламида муқаддас Қуръони каримдан кейин иккинчи манба сифатида эътироф этиладиган "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асари муаллифи, Пайғамбаримиз суннатларининг бизга етиб келишида улкан хизмат қилган улуғ муҳаддис Имом Бухорий нафақат ақл-заковат ва тақвода, балки хайру саховатда ва бағрикенгликда ҳам ўз замондошларига намуна бўлганлар. Ўзларининг турмуш тарзи, хулқи, ахлоқдаги гўзал сифатлари, ўзгалар билан муомалада ҳам бошқаларга ўрнак эдилар.

Бу ҳақда унинг котиби ва доимий ҳамсафари Муҳаммад ибн Абу Ҳотим бундай ривоят қилади: "Имом Бухорийнинг бир парча ери бўлиб, ҳар йили уни етти юз дирҳамга ижарага берарди. Ижарага олган киши Бухорий бодрингни жуда яхши кўришини билгани учун Бухорийга бир-иккита бодринг олиб келарди. Бухорий эса бу иши учун деҳқонга ҳар йили юз дирҳам ҳадя қиларди".

Имом Бухорий бундай деган: "Ҳар ойда беш юз дирҳам топаман. Унинг ҳаммасини илм йўлида сарфлайман. Чунки илм моддий неъматлардан яхшироқ ва боқийроқдир". Имом Бухорий қадами етган шаҳарларда тиббиёт масканлари, работлар, карвонсаройлар қурдирган. Муҳаммад ибн Абу Ҳотим бундай ривоятни ёзиб қолдирган: "Имом Бухорий кўп садақа қилар эди. Ҳадис илми билан машғул кишиларни ҳожатманд кўрса, ҳар бирининг қўлига йигирма-ўттиз дирҳам берарди. Бироқ буни ҳеч ким сезмасди. Ҳамёнини ҳамиша ўзи билан олиб юрарди. Бир кишига ичида уч юз дирҳам пули билан ҳамёнини бир неча марта бериб юборганини кўрганман. Ўша киши ундаги пул қанчалигини менга айтган эди. У киши Имом Бухорийни дуо қилмоқчи бўлди. Бухорий унга: "Қўй шу ишингни, одамлар буни сезиб қолмасликлари учун бошқа гапни гапир", дедилар".

Бу каби ривоятлар улуғ аждодимиз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий шу улуғ халқнинг бир содиқ вакили сифатида ўзини намоён этганини кўрсатади ва қалбимизда ғурур уйғотади. Буюк зотлар ибрати бизни ҳам шу йўлга ундайди.

Шу ўринда ҳар биримиз гувоҳи бўлиб турган мисли кўрилмаган саховатпешалик, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқимизнинг метин иродаси, маънавий қудрати туфайли намоён бўлди, дейиш мумкин. Зеро, бизнинг томирларимизда покиза ва сахий аждодларимизнинг қони оқмоқда.

Фуқаролик жамияти

ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хизмат қилади

Бошланиши 1-бетда

Иккинчидан, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакат тараққиётини таъминлашга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. **Учинчидан,** фуқароларни давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга, давлат ва жамият тараққиётига дахлдорлик ҳиссини уйғотишга рағбатлантиради.

Фармонга биноан, Жамоатчилик палатаси давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини таъминлаш орқали уларнинг жамият ва давлатни ривожлантиришга қаратилган фаолиятини бирлаштириш, аҳолининг ижтимоий фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, уларнинг ечими билан боғлиқ бўлган масалаларда тегишли тартибда таклифлар киритиб бориш каби вазифаларни бажаради.

Жамоатчилик палатасининг давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг субъекти сифатида шаклланиши унинг нафақат вазифасини, балки ваколат доирасини кенгайтириб юбормоқда.

Биринчидан, у ижтимоий муносабатлар тизимида алоҳида ўрин тутувчи, давлат ва жамият бошқарувида кишилар бирлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлашга қаратилган бошқарувнинг ўзига хос тузилмаси сифатида фуқароларнинг турли манфаатлари ва қизиқишларини мувофиқлаштириш асосида давлат ҳокимияти бошқарув органларига йўналтирадиган ва унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадиган (жамоатчилик назоратини мувофиқлаштирадиган) демократик институт мақомида фаолият юритиши зарур. **Иккинчидан,** давлат ва жамият бошқарувининг янги босқичида мамлакатимизда фаолият юритаётган турли нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ижтимоий ҳамкорликни тўлақонли йўлга қўйиш зарур. **Учинчидан,** давлатнинг мансабдор шахслари томонидан халқ (маҳаллий кенгашлар, Олий Мажлис палаталари) олдида бериб бориладиган ҳисоботлар доирасида Жамоатчилик палатаси фаол иштирок этиши (вакиллари), давлат ҳокимияти бошқарув органлари билан самарали ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Жамоатчилик палатаси жамият ижтимоий ҳаётида қонун устуворлигини таъминлашда, давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини оширишда, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишида муҳим ўрин тутади.

Долзарб мавзу

"ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ" ҳар биримизнинг қалбимизда, вужудимизда

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди котибияти мудири, юридик фанлар номзоди

Фан ва технологиялар ривожланиб, тараққиёт кун сайин юксалиб бораётган бугунги давримизда бир қатор глобал муаммолар инсониятнинг келажакдаги фаровон ҳаётига таҳдид туғдирувчи жиддий омилга айланаётгани сир эмас. Коррупция ана шундай салбий иллатлардан биридир. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда дунёда коррупция ва порахўрлик натижасида йилига бир триллион доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилади.

Бу, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга монелик қилиб, ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Эркин бозор иқтисодиёти ривожланишига тўсиқ бўлади, ҳаёт даражаси пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, коррупция фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган ишончи йўқолишига, уюшган жиноятчилик авж олишига замин яратади ва тинч турмушимизга хавф солади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатлар коррупцияга жамият ривожи ва янгиланиши илдизига болта урувчи иллат сифатида қарайди. Унга қарши тизимли равишда кураш олиб боришни асосий вазифаси деб билади.

Transparensy International халқаро ташкилоти таҳлилий маълумотларида бугунги кунда Африка, Шарқий Европа ва Яқин Шарқ давлатларида коррупция иллати энг юқори даражада қолаётгани кўрсатилган. Эътиборлиси, Ўзбекистон 2018 йилда 180 та мамлакат орасида коррупция даражаси бўйича 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 153-ўринга тушган. Бу эса Ўзбекистонда коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилаётганидан далолатдир. Лекин бу хотиржамлик учун асос бўлмайди.

Шу ўринда коррупцияни енгиш мумкинми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу саволга "ҳа" деб жавоб беришга бироз шошилмаслик керак. Чунки дунё амалиётида коррупцияга қарши кураш қанчалик кенг қамровли бўлишига қарамай, бу тизим кутилган самарани бераётгани йўқ. Transparensy International ўтказган тадқиқот натижасида ҳеч бир давлат коррупция даражаси бўйича 100 баллик кўрсаткичдан ҳатто 90 балл тўплаш имконига эга бўлмаган. Энг яхши кўрсаткич Янги Зеландия ва Данияга тегишли — улар 87 балл тўплашга муваффақ бўлган. Финляндия 86, Швейцария, Сингапур ва Швеция 85 балл олган. Ушбу рейтингда Сомали (9 балл), Жанубий Судан (12 балл) ва Сурия (13 балл) энг паст кўрсаткичга эга.

Тўғри, айрим мамлакатларда коррупциянинг пора олиш, пора бериш каби энг жирканч кўринишлари барҳам топган бўлиши мумкин. Лекин коррупция фақат пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш билан чекланмайди. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш — булар ҳаммаси коррупция кўринишларидир.

Қолаверса, бугун дунёни алғов-далғов қилаётган рангли инқилоблар, инсониятни янги уруш остонасига олиб келган ҳолатлар, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашиш, қурол-яроғ ва гиёҳвандлик савдосининг асл моҳиятида коррупция иллати йўқми? Бор, албатта. Булар коррупциянинг давлатлар миқёсидаги кўринишидир. Халқаро муносабатларда булар "катта сиёсат" ёки "катта ўйинлар" ибораси билан ифодаланади.

Инсоният тараққиётига ғов бўлаётган, халқлар ва давлатларнинг бир-бирига бўлган ишончини йўққа чиқараётган бундай оғир иллатларнинг олдини олиш мақсадида 2003 йил 31 октябрда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатнинг лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлат иштирокида муҳокама этилган бўлиб, унда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон ушбу халқаро конвенцияга 2008 йил 7 июлда қўшилган эди. Кейинги йилларда бу иллатга қарши кураш борасида дадил қадамлар ташланяпти. 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. У давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизим яратишда муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон қонунчилигида коррупция аломатлари мавжуд бўлган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қолаверса, порахўрликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори экани эътиборга олиниб, бундай ҳолатларда оғир жазо назарда тутилди. Ҳозирги вақтда жамиятимизда жиноий жазолар либераллаштирилаётган, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилаётган бўлса-да, порахўрлик учун белгиланган жазо чоралари либераллаштирилгани йўқ. Бу ҳам мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин ва изчил кураш олиб борилаётганидан далолат беради. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда коррупция жиноятига қарши олиб борилаётган кураш ҳозирча биз кутган самарани бергани йўқ.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида айни шу жиҳатларни эътиборга олиб, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатлами, энг яхши мутахассислар жалб қилиниши, энг муҳими, жамиятимизнинг барча аъзолари **"ҳалоллик вакцинаси"** билан эмланиши лозимлигини таъкидлади. Бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда коррупциянинг оқибатлари билан курашиш эмас, унинг олдини олиш вазифаси белгилаб берилди.

Шундан сўнг "ҳалоллик вакцинаси" ўзи нима, уни қаердан олса бўлади, давлат раҳбари "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш деганда нимани назарда тутди каби саволлар турли давраларда баҳс-мунозараларнинг асосий мавзусига айланди. Бундай давраларда нафақат кенг жамоатчилик, балки вазирлар, депутатлар, сиёсатчилар ҳам турли фикрларни билдирди.

Фикримизча, ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш деганда, назаримизда, одамларда коррупцияга қарши иммунитет ҳосил қилиш, яъни ундан сақланиш назарда тутилади. **"Ҳалоллик вакцинаси"** ҳар бир инсонда бўлади ва у "инсон нафси"нинг даражасига тенг. Арифметик амалда тушунтирадиган бўлсак, инсон нафси юқори бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" паст бўлади ва инсонда коррупцияга мойилликни келтириб чиқаради.

Агар инсон ўз нафсини енга олсагина руҳан ва жисмонан покланади, ёмонликдан қайтишга қодир, эзгуликларга камарбаста бўлади. Айнан шунинг ўзи коррупцияга қарши мустаҳкам иммунитет — "ҳалоллик вакцинаси" эмасми?!

Қиссадан ҳисса шуки, нафсини жиловлай олган инсоннинг ҳамиша нияти пок бўлади. Пок ният эса хайрли ишларга йўл очади. Хайрли ишлар қилинаётган жамиятда коррупцияга ўрин қолмайди.

Бугуннинг гапи

Оилалар фаровонлигини ошириш мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга боғлиқ

Тоҳиржон АҲМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 7 май куни Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Андижон вилоятининг иқтисодий ҳолати ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Андижонда айни вақтда 41 минг оилани камбағалликдан чиқариш зарурати борлиги таъкидланди. Бунинг учун янги-янги кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш керак.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг 69 фоизини машинасозлик ташкил этади. Пандемия туфайли жорий этилган карантин, айниқса, бу соҳада ички бозор имкониятларидан тўла фойдаланишни тақозо қилди. Лекин мамлакатимиз машинасозлик тизимида ишлатилаётган эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг атиги 9 фоизи маҳаллий маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундан кўринадики, импорт бутловчи қисмларни сифати хорижникидан қолишмайдиган даражада эндиликда имкон қадар ўзимизда ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз лозим. Бунинг учун Асака туманидаги автомобиль заводи яқинида унумдорлиги паст ерларда кичик саноат зонаси ташкил этилиб, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳажми оширилиши керак. Шунингдек, "Самавто" ва "МАН" заводларида махсус техника ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳам муҳимдир. Шу орқали ишсизликка муайян даражада барҳам бериш, кўплаб оилаларга даромад келтириш мумкин бўлади.

Президентимиз тадбиркорликни жадал ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталар экан, Андижон вилояти Хўжаобод туманида ташаббускорларга 32 та тикувтрикотаж корхонаси учун жой ажратиш бўйича кўрсатма берди. Ушбу корхоналарда 6,5 мингта янги иш ўрни яратиш орқали вилоятдаги камбағал оилалар сони камайтирилади.

Булоқбоши тумани тоғли ҳудуд ҳисобланади. Бу ердаги тош конларидан кўплаб турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда, конларни ўзлаштириш орқали туманда ана шу йўналишда янги корхоналарни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Томорқачилик борасида Андижонда ўзига хос илғор тажриба мактаби мавжуд. Қолаверса, вилоятдаги мавжуд ерларнинг унумдорлиги юқори. Аҳоли кафтдек ердан ҳам яхшигина даромад топишнинг ҳадисини олган. Масалан, Андижон тумани "Миробод" маҳалласи аҳолиси қалампир экиб, йилига 2 минг тоннагача ҳосил олади. Бундан ташқари, маҳалла аҳли бошқа ҳудудлардан ҳам йилига 3-4 минг тонна қалампир сотиб олиб, қайта ишлайди.

Избоскан тумани "Юқори Чувама" маҳалласидаги мингга яқин хонадонда эса кўп миқдорда ёнғоқ ва ерёнғоқ етиштирилади. Олтинкўлнинг "Чўнтак" маҳалласи гулчиликка ихтисослашган. Ана шундан келиб чиқиб, олдимиздаги муҳим вазифа айни ҳудудлардагидек томорқачиликнинг қайсидир йўналишини намунали йўлга қўйган омилкор одамларга қўшимча ер майдонлари ажратиш орқали маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш билан аҳоли бандлиги ва камбағалликни камайтиришга ижобий ечим топиш зарур. Бунинг учун эса вилоятда бўш турган, фермер хўжаликлари тасарруфидаги фойдаланилмаётган экин майдонларининг рўйхати шакллантирилиб, имкон қадар омилкорларга ажратилиши керак.

Хулпас, бу йўналишда олдимизда турган вазифалар кўп. Уларни ҳал этиш учун ҳар биримиз сидқидилдан меҳнат қилишимиз, глобал иқтисодий муаммоларнинг юртимиздаги ислоҳотларга салбий таъсирини камайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Мулк ҳуқуқи

ТАДБИРКОРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЛАНАДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Олий Мажлис Сенатининг видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида "Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун маъқулланди.

Қонун билан Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 7 апрель куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилганди. Ушбу лойиҳа Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан тайёрланиб, ялпи мажлис кун тартибига киритилган эди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Ўринбоев.** — Лойиҳа Президентимизнинг 2019 йил августдаги "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ер участкалари ноқонуний олиб қўйилганлиги ва шу муносабат билан мулкдорларга зарар етказилганлиги учун мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш масалаларига ургу берилган.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда жойларда ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш борасида ҳокимлик ва идоралар томонидан қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Мазкур ҳаракатлар оқибатида фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқлари поймол этилиб, уларда жойлашган кўчмас мулкларнинг дахлсизлигига путур етказилмоқда.

Ўтказилган ўрганиш натижасида 1 минг 244 та кўчмас мулк объекти баҳоланмаган, 430 тасига тегишли компенсация берилмаган, 846 таси уларнинг мулкдорларини хабардор этилмаган ҳолда бузиб ташлангани аниқланди. Шунингдек, 1 минг 388 ҳолатда мулкдорларни хабардор қилиш муддатлари бузилган.

Бундан ташқари, махсус тузилган ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган хатловлар натижасида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган 4 минг 378 та турар ва нотурар жой объекти бўйича 1,1 трлн. сўм қарздорлик мавжудлиги маълум бўлди.

Шулардан келиб чиқиб, янги қонун лойиҳасида ер участкаларини қонунга зид равишда олиб қўйганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлиги кучайтирилмоқда. Хусусан, Жиноят кодекси ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузиш учун жавобгарлик белгиланган беш қисмдан иборат 173-1-моддаси билан тўлдирилмоқда.

Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра, ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, БҲМнинг 200 бараваридан 250 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатдан 360 соатгача мажбурий ишлар ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазо белгилаш назарда тутилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ер участкасини олиб қўйиш тартибига риоя этмаганлик ҳамда бунинг оқибатида мулкдорларга зарар етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатлари таъминланади.

Ҳар бир вилоят флорасидаги ўсимликларнинг кадастр рўйхати шакллантирилиб, камёб, йўқолиб бораётган турларнинг хариталари тайёрланмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 15 май, 84-сон

Суҳбат

Академик Комилжон ТОЖИБОЕВ:

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ГЕРБАРИЙСИ — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ “ОЛТИН” ФОНДИ

Қизилқум чўлининг қайноқ қумларидан то Ҳисор тоғ тизмасининг қорли чўққиларигача бўлган улкан майдоннинг ранг-баранглиги табиий флорамиздаги турларнинг хилма-хиллигига сабаб бўлувчи асосий омил вазифасини ўтайди. Бу — юртимизнинг миллий бойлиги, илмий тадқиқотларнинг битмас-туганмас манбаси. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти айнан шу табиий флорани тадқиқ этувчи илмий тадқиқот муассасасидир. Марказий Осиёдаги энг йирик илмий муассасалардан бири ҳисобланадиган мазкур институт бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлайди. Институт директори, академик Комилжон Тожибоев билан суҳбатимиз муассасада олиб борилаётган илмий изланишлар ва янгиликлар хусусида кечди.



ИНСТИТУТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИЛМИЙ ҲАМКОРЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН КУНМИНГ БОТАНИКА ИНСТИТУТИ БИЛАН “ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИ”НИНГ 10 ЖИЛДДАН ИБОРАТ НАШРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИШ БОРАСИДА ҲАМ САЛМОҚЛИ ИШЛАР БАЖАРИЛМОҚДА.

— Аввало, Ботаника институтининг 80 йиллик тўйи ҳамда Ўзбекистон Миллий гербарийсининг 100 йиллиги билан қутлаймиз. Илмий жамоа бу санага қандай тайёргарлик кўрмоқда?

— Тўйга тўёна билан, деганларидек, институт жамоаси бугунги кунда ўзининг илмий ва амалий фаолиятини сарҳисоб этиб, келгуси ривожланиш босқичлари учун режалар тузмоқда.

Муассаса олимлари томонидан кўп жилдлик “Ўзбекистон флораси” китобининг янги нашри тайёрланмоқда. Мазкур лойиҳа қўлами ва фундаментал аҳамияти жиҳатидан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ҳозиргача ботаника соҳасида олиб борилган барча тадқиқотларнинг марказида 1941—1962 йилларда чоп этилган 6 жилдлик “Ўзбекистон флораси” нашри турган эди. Вақт ўтиши билан ўсимликлар тизимоти ва номенклатураси соҳаларида эришилган оламшумул янгиликлар, шунингдек, ўтган асрнинг 60-йилларидан бери Ўзбекистон ҳудудида бир неча юзга яқин ўсимлик турининг кашф этилиши, табиий ва антропоген омиллар таъсири остида рўй берган ўзгаришлар мамлакатимиз сарҳадларидаги табиий флора турлари таркибини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Ҳатто мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам бу борада тадқиқотлар олиб борилмагани соҳанинг оғриқли нуқтаси эди.

Бугунги кунга келиб, институт илмий салоҳиятининг ошиши, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши, хорижий алоқаларнинг кенгайиши каби омиллар бу фундаментал лойиҳани Марказий Осиёда биринчи бўлиб бошлашга имкон берди. Бунинг асосий сабаби — ўз имкониятига ишонч, илмий салоҳиятнинг мавжудлиги, Ўзбекистон Миллий гербарийси каби жаҳон миқёсидаги йирик коллекциянинг мавжудлигидир. Ушбу лойиҳанинг ўзига хос жиҳати эса халқаро ҳамкорликда бажарилаётганида яққол кўринади. Бироқ буни халқаро лойиҳа сифатида тушунмаслик керак. Унга Россия Федерацияси, Финляндия, Германиядаги илмий тадқиқот муассасаларининг дунёда етакчи ҳисобланган олимлари жалб этилган. Лойиҳанинг қўлами ва халқаро иштирокчилар сафи йил сайин кенгаймоқда. Хусусан, 2019 йилда лойиҳада иштирок этиш ва ҳисса қўшиш учун Жанубий Корея, Польша ва Россия олимларидан таклифлар келиб тушган эди.

Қолаверса, институтнинг энг асосий илмий ҳамкорларидан ҳисобланган Кунминг ботаника институти билан “Ўзбекистон флораси”нинг 10 жилддан иборат нашрини инглиз тилида чоп этиш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда.

— Бугун деярли барча соҳа рақамлашмоқда. Бутун дунёда ҳукм сураётган пандемияга қарши кураш бу жараённи янада тезлаштирди. Илмий соҳада рақамлаштириш жараёни қандай кечмоқда?

— Ботаника институтининг ҳозирги кундаги илмий фаолиятида йирик ҳажмли маълумотлар базасини яратиш, уларнинг таҳлили, мавжуд коллекцияларни рақамли форматга ўтказиш каби тадқиқотлар алоҳида ўрин тутади. Айтиш жоизки, бу борада салмоқли ютуқларга эришилган. Бироқ йирик ҳажмдаги маълумотлар базасини шакллантириш ва шу асосда замонавий тадқиқотларни йўлга қўйиш осон кечмаганини тан олиш керак. Дастлабки босқичларда илмий тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш қўлами торлиги, ботаник олимлар, ҳатто ёшлар орасида ҳам компьютер технологияларини яхши ўзлаштирган мутахассислар камлиги, қўйилган масаланинг аҳамиятини тўлақонли англамаслик каби ҳолатлар бу борадаги тадқиқотларнинг изга тушишига салбий таъсир кўрсатди. Бундан йигирма йиллар ортга қайтсак, маълумотлар базасини шакллантириш ва уларнинг таҳлили асосида келгуси тадқиқотлар йўналишини белгилаш, шу каби йирик халқаро базалар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, биохилмахиллик объектлари бўйича кенг қўламли лойиҳаларни интеграция қилиш ҳам қўллаб-қувватланмаган. Аксинча, бу фан эмас, деган қарашдаги айрим ҳамкасбларимиз фикри устунроқ эди. Бироқ мавжуд қарама-қаршиликлар, тўсиқларга қарамасдан, мақсад сари илдамлашда давом этилди.

Бугунги кундаги вазият йирик маълумотлар базалари, рақамли форматга ўтказилган коллекциялар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда. Дастлабки тадқиқотларимиз Марказий Осиёда табиий флора таркибининг бойлиги ва ўзига хос эндем турларининг сони билан алоҳида ажралиб турадиган Ғарбий Тиёншон флорасининг маълумотлар базасини яратишга қаратилди. Айнан шу лойиҳа мен раҳбарлик қилаётган олимлар гуруҳининг кейинги фаолиятига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон флораси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тадқиқот тури, жумладан, диссертациялар доирасидаги изланишларнинг таркибий қисми маълумотларни рақамли форматга ўтказиш, электрон базалар тайёрлаш билан уйғунлашиб кетди. Маълумотлар базалари эса кейинги тадқиқотларни белгилаш учун қулай таҳлил воситаси бўлиш билан бирга, барча давлат ташкилотларининг табиатни асраш, ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ амалий фаолиятига мунтазам татбиқ этиб келинмоқда.

— Ботаника соҳасидаги тадқиқотлар самарадорлигини ошириш учун, сизнингча, дарҳол ҳал этилиши зарур бўлган қандай масалалар мавжуд?

— Йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиб, тегишли хулоса чиқариш келгуси ишларнинг самарасини таъминлайди. Эришилган ютуқлар қатори ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Тан олиш керак, маъмурий ислоҳотлар концепциясида турли мажлислар, идораларо комиссияларни қисқартириш белгиланган бўлса-да, ҳамон бу тартибга тўлиқ ўта олмаяпмиз. Ўртага қўйилган аксарият масалаларнинг ечимини ишчи гуруҳлар ташкил этиш, қўшимча топшириқлар белгилаш орқали эришишга ҳаракат қиламиз. Талабларимиз илмий ходимнинг бевосита вазифаси юзасидан, унинг, аввало, илмийлиги, натижаларининг янгилиги, рақобатбардошлигига қаратилган бўлиши лозим. Аксарият ҳолларда олимга бевосита фаолият йўналишидан чалғитадиган, унга мутлақо дахли бўлмаган топшириқлар бериш ҳолати камайгани йўқ. Тадқиқотчи илмий фаоллик даражасига кўра, баҳоланиши керак. Бироқ баъзан ижтимоий фаоллик баҳолаш мезони бўлиб қолмоқда.

— Бугунги кунда институтда қандай янги тадқиқотлар олиб борилаётир?

— Айни пайтда жадал ривожланаётган янги йўналишлардан бири табиий флорадаги ўсимлик турларини тўр тизимли хариталаш ҳисобланади. Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида кенг қулоч ёзган бу тадқиқот йўналиши Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб айнан Ботаника институтида амалга оширилмоқда. Бу тадқиқотларнинг моҳияти шундаки, табиий шароитда флора таркиби ўрганилаётган ҳудуд 5х5 километрдан иборат квадратларга ажратилади. Тадқиқотлар давомида тўпланадиган барча маълумотлар шу квадратлар бўйича жамланади. Натижада биз нафақат умумлашган кўринишдаги ахборот мажмуасига, балки ҳар бир ажратилган квадратлар бўйича ҳар қандай илмий масалалар, жумладан, ўсимлик турларининг сони, зичлиги, замонавий ҳолати, флорани ташкил этган географик элементлар таркиби бўйича қатор саволларга жавоб олиш имкониятига ҳам эга бўламиз. Энг муҳими, бу маълумотларнинг барчаси рақамли форматда бўлиб, таҳлил ва режа учун қулай восита ҳисобланади.

Ҳозир нафақат йиғилган гербарий намуналари ёки дала сафарлари давомидаги қайдномалар, балки MaxEnt, DIVA GIS сингари янги ахборот дастурларини қўллаш орқали ҳудудларни башоратлаш ва улар асосида тадқиқотлар режасини тузиш, муҳофаза чораларини белгилаш, қўриқланадиган ҳудудларни ташкил этишни режалаштириш ва камёб турларни сақлаб қолишда экотизимлар қўламида ёндашиш имконини бермоқда.

— Ботаника институти олдида турган асосий вазифалардан бири — мамлакатимиз сарҳадларидаги ўсимликлар хилма-хиллигининг давлат кадастрини юритиш жараёни хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Биз бу тадқиқотлар давомида Ўзбекистондаги мавжуд флора ранг-баранглигини вилоятлар кесимида хатловдан ўтказишга қаратилган илмий ишларни бажарамиз. Тизимли равишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари бўйича кадастр ишлари бажарилди. 2020 йили Бухоро вилояти бўйича изланишлар якунига етади ва 2021 йилдан бу каби изланишларни Тошкент вилоятида ўтказиш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида санаб ўтилган ҳар бир вилоят флорасидаги ўсимликларнинг кадастр рўйхати шакллантирилиб, камёб, йўқолиб бораётган турларнинг хариталари тайёрланмоқда.

Бу каби илмий фаолият қўламини кенгайтириб, Ўзбекистон флорасидаги доривор ўсимлик турлари бўйича интерактив атласни яратиш, табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимлик турлари захираларини хаританга киритиш, табиатдан йиғиладиган турлар учун ажратиб олишнинг безарар ҳажмларини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ининг навбатдаги нашрларини тайёрлаш каби қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада институт ёш олимларининг ўрни тобора мустаҳкамланаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳозирги кунда қирқ ёшга тўлмаган ходимлар институтда фаолият юритаётган илмий ва илмий-техник ходимларнинг 77 фоизини ташкил этади. Баъзи хорижлик ҳамкасбларимизнинг таъкидлашича, институтдаги бугунги муҳит Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси институтларидаги ҳолатни эслатади, яъни жамоа, асосан, ёш олимлардан иборат бўлиб бормоқда. Охирги уч йил давомида ишга қабул қилинган ёшлар илмий ва илмий-техник ходимларнинг 47 фоизидан ортиғини ташкил этди. Бу кўрсаткич Фанлар академияси тизимидаги энг юқори натижалардан бири бўлиб, қабул қилинаётган ёшларнинг асосий қисми мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг биология йўналиши битирувчиларидир. Улар сафининг йил сайин кенгайишини институт илмий ютуқлари, илмий ҳамда амалий фаолиятининг юртимиз бўйлаб кенг тарғибот этилаётгани, ўсимликлар хилма-хиллигини тадқиқ этишга қизиқаётган ёш олимлар сони кўпаяётганининг даракчиси сифатида қабул қилиш мумкин.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Соҳиба МУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

Умумхалқ ҳаракати

ҲАР КИШИ ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ

Жамшид АКБАРОВ,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги ишчи гуруҳ аъзоси

Бугунги пандемия шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағаллик даражасида истиқомат қилаётган оилалар ҳолидан хабар олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилгани бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, жойлардаги аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағаллик даражасида истиқомат қилаётган оилалар ҳолидан хабар олиш ишлари мониторинг қилинмоқда. Шунингдек, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор шахсларга хайр-саховат кўрсатилиб, ҳар бирига ўша ҳудуднинг ишбилармон тадбиркорлари бириктирилмоқда.

Муборак туманидаги “Хитой” маҳалласида истиқомат қилувчи Муаттар Ҳайитова 3 фарзандини ёлғиз ўзи тарбияламоқда. Болаларнинг икки нафари ҳали вояга етмаган. Тўнғичи эса олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийди. Оила бир неча йиллар илгари боқувчисини йўқотган. Ишчи гуруҳ томонидан мазкур оилага шу маҳалладаги “Ортиқов Йўлдош” фермер хўжалиги раиси Файзулло Жумабоев бириктирилди. Бундай ташаббус, албатта, тадбиркорнинг ўзидан чиқди.

— II гуруҳ ногиронман, бир қизим билан яшайман, — дейди Муборак тумани “Обод турмуш” маҳалласида яшовчи Тиниқ Норбоева. — Соғлиғим туфайли доимий ишлашга қийналаман. Карантин эса имкониятимизни янада чеклади. Худога шукрки, янги ташкил қилинган вазирликнинг ишчи гуруҳи вакиллари уйимизга келиб, шароитимиз билан танишди. Барака топгурлар, керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Кейин саховатпеша маҳалладошларимизни бириктириб қўйди. Неча йилдан бери уйимизнинг ташқи кўринишидан бир аҳволга келиб қолганди. Бу муаммони ҳам жойида ҳал этди. Маҳалламиздаги “Сафар ота” фермер хўжалиги раиси Шокир Сафаров уйимизни таъмирлаб берадиган бўлди.

Навбаҳор тумани “Янгийўл” маҳалласида истиқомат қилувчи Марҳабо Саъдуллаева вояга етмаган 2 нафар фарзанди билан яшайди. Боқувчисини йўқотган, бунинг устига саломатлигини тиклаши зарур. Ишчи гуруҳ саъй-ҳаракати билан “Жонибек маркет” оилавий корхонаси раҳбари Мафтуна Вафоева томонидан Марҳабога ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Тадбиркор томонидан унинг даволаниши учун бир миллион сўм миқдоридаги пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

Кўрсатилаётган бундай эътибордан хурсанд бўлаётганлар сўзига қулоқ тутар экансиз, барчаси битта гапни такрорлайди: биз ҳақиқий инсонпарварлик сиёсати юритилаётган мамлакатда яшаяпмиз. Бунинг учун Аллоҳга шукр, қолаверса, давлат раҳбарига катта раҳмат. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаяпти.

Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази хайриялари етказилган косонлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ислом бобо Маматқулов, II гуруҳ ногирони Тойир Сафаров, шунингдек, боқувчисини йўқотган Сарвиноз Худойқулова яхши ният билан узоқ дуо қилди.

Ишчи гуруҳ фаолияти давомида нафақат хайрия ишларига, балки оилавий низоларни бартараф этиш ва ажримларнинг олдини олишга ҳам эътибор қаратмоқда. Зеро, вазирлик олдига қўйилган вазифалардан бири ҳам оилани қўллаб-қувватлашдир. Ишчи гуруҳ вакиллари Косон туманидаги “Жиззалик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир оила ўзаро келишмовчилик сабабли ажрим ёқасига келиб қолганига гувоҳ бўлди. Маҳалланинг қайвонилари ёрдамида эр-хотиннинг муаммолари ўрганилди. Ўзаро суҳбат жараёнида оила муқаддас қўрғон экани, уни асраб-авайлаш ва қадрига етиш миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга хос фазилатлиги тушунтирилди. Натижада ёшлар муросага келди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. “Бир ёшга бир гектар” лойиҳаси асосида Муборак туманидаги “Бўстон” маҳалласидаги эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож 15 та оиланинг фарзандларига 50 сотихдан ер ажратиш масаласи ҳал этилди.

— Томорқамиздан унумли фойдалана олмаётганимиз, айниқса, карантин вақтида яққол билиниб қолди, — дейди Муборак тумани “Пахтакор” маҳалласида яшовчи Жумагул Гелдиева. — Бозорда сабзавотларнинг нархи бироз кўтарилгандан кейин кўпчилик ўз ерида етиштириш пайига тушди. Мен ҳам анчадан буён иссиқхона қуришни ўйлаб тургандим. Ишчи гуруҳга бу ҳақдаги фикрларимни айтганимда улар шу жойнинг ўзида иссиқхона қуриш, суғориш воситалари, уруғлар ва кўчатлар харид қилиш учун 2 миллион 200 минг сўм субсидия ажратиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришди. Ўша куннинг ўзида ҳовлимга сув чиқарувчи насос ўрнатилди.

Ишчи гуруҳ ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида Навоийнинг “Сарой” маҳалласида истиқомат қилувчи 10 нафар фуқаронинг ҳар бирига бир бошдан қўй ҳадя этилди. Шу билан бирга, “Қалқонота” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож фуқаро Э.Фармоновга бир бош қорамол берилди.

Бундан ташқари, ўрганиш давомида Муборак туманида жамоатчилик ишига жалб қилинган 20 нафар фуқаро иш ҳақини ололмаётгани маълум бўлди. Ўрганишлар давомида бу маълумот тасдиқланди ва муаммо зудлик билан бартараф қилинди.

Юқорида санаб ўтилган ишлар амалга оширилганларининг бир шингили, холос. Ишчи гуруҳ республикамизнинг ҳар бир хонадонига кириб бормоқда. Бугунги синовли кунларда саховатга муҳтож ҳар бир инсонга хайр-саховат, меҳр-оқибат кўрсатиш инсон деган улуғ номга муносибдир.

Навоийнинг “Сарой” маҳалласида истиқомат қилувчи 10 нафар фуқаронинг ҳар бирига бир бошдан қўй ҳадя этилди.

Мозий — ҳақиқатнинг тарозиси

“ЭРК ЧЕЧАГИ ТАҚА ОЛҒОН КУЧЛИ ҚИЗ...”

Баҳром ИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими

1922 йилнинг кузида Германияга таҳсил олиш учун Туркистон Республикаси “Кўмак” жамияти томонидан йўлланган 16 нафар талаба орасида Хайринисо Мажидхонова алоҳида ажралиб турар эди. У 1905 йил 25 декабрда Тошкент шаҳрида зиёли оилада дунёга келган. Унинг отаси маҳалла оқсоқоли Мажидхон Жалилов Россиянинг Москва, Санкт-Петербург каби қатор шаҳарларига сафар қилиб, жадид ғоялари билан танишган эди. Шу боис, у оила аъзолари, хусусан, қизларининг ҳам европача таълим олишига тўсқинлик қилмади, аксинча, ёрдам берди.

Хайринисо опаси билан.

Хайринисо дастлаб Мирободдаги янги мактабда таҳсил олиб, рус ва немис тилларини ўрганди. Унинг ўзига хос дунёқараши шаклланишида Туркистон жадид матбуотининг, шунингдек, бу вақтда биринчи ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиётган опаси Ойпошшахоннинг ҳам таъсири катта бўлди. 1922 йили “Туркистон” газетасида эндигина 17 ёшни қаршилаган Хайринисо Мажидхонованинг мақоласи чоп этилади. Ушбу мақола қизнинг Ватан истиқболи ҳақидаги орзу-истаклари ифода этилгани билан аҳамиятлидир.

Мақолани ўқир экансиз, энг аввало, ўтган асрнинг бошида яшаган бир ўзбек қизининг тарихий тафаккури нақадар кенглиги, Ватан тақдири олдида ўзини қанчалик дахлдор сезиши кўпчиликни ҳайратга солиши, табиий.

Орадан қарийб юз йил ўтганига қарамай, мақолада илгари сурилган фикрларнинг баъзилари ҳамон долзарб экани эътиборимизни тортади, аксар орзуларининг амалга ошганидан таажжубга тушамиз.

“Туркистоннинг дунё савдо майдонида тутқон вазияти XVII асрдан бери тубан даражада қолиб келди. Бу аср, умуман, мусулмон мамлакатларининг таназзул даври бўлиб, таназзулнинг ҳам кўп сабаби карвон йўлларининг аҳамияти кетиб, ғарблилар тарафидан денгиз йўлларининг юксалтирилиши эди. XIX асрда ҳам Туркистон Ғарбий Овруподан узоқ бўлгонлиги учун тараққиёт томонидан бошқа мусулмон мамлакатларидан ҳам тубан даражада турди. XX асрнинг бошида ҳам қўшнимиз бўлган Эрон халқи сиёсий фикрлар билан суғорилиб, ўз элида саноат турғизиш ва четларнинг таъсиридан қутулиш йўлида қон тўккани муддатда бизнинг Туркистон тинч ухламоқда эди... Фақат Руссиядан темир йўл келиб, савдо майдони кенгайди... Бундан очиқ англашиладирки, бизнинг мозийимизни порлоқ қилғон — элимиздан ўтган карвон йўли бўлса, истиқболимизни порлоқ қилғучи, элимизни жаҳон савдо майдониға тутошдирғувчи улуғ темир йўлдир. Улар бизнинг савдомизни кенгайтур, бизга бойлиқ ва ободлиқ берур ва ўзимизга катта саноат турғазишга имкон очар”, деб ёзганди ўсмир Хайринисо. Унинг мақоласидан маърифатга ташна қизнинг ўз ватани келажаги учун қандай куюнгани сезилади.

“Туркистоннинг табиий бойликларини ишлата олғали, катта саноатни турғизгали ва натижада янги темир йўллар ўтказгали кучи етсун ҳозирги хўжаликдан ортиб қолиб тўпланғон бойлиқнинг бўлиши керак. Ҳозирги зироатнинг маҳсулотини ортдириш учун бирдан-бир чора бўлса зироатда ҳар хил янги ишлаб чиқориш усуллари, янги қуроллар ва машиналарни қўлланишидир. Ҳозир бу қуролларни овруполилардан олтун баробарига олишга тўғри келганидек, келгусида ҳам ҳар хил саноат қуролларини овруполилардан сотиб олишға мажбур бўламиз. Машина қанча қиммат бўлса ҳам уни қўллашимиз керак. Чунки ул бизнинг бойлиғимизни ортдира оладир. Буни Ғарб давлатларининг ҳаётида машинанинг тутқон ўрни исбот қиладир”, дейди у.

Шунингдек, Хайринисо ўз мақоласида Туркистон жамиятининг маънавий қиёфасига ҳам тўхталиб: “...бизнинг бу дардимизнинг ҳам буюк қуроллари матбуот, мактаб ва театрдир. Бизда буларнинг ҳар қайсиси бор. Локин улар ўзларининг тарихий вазифаларини ерига етказа оладирғон даражада эмасдирлар. Бизнинг янги мактабларимиздан шул вақтғача халқ ҳуркиб келди. Матбуотдан узоқ турди. Театрни англамади. Чунки буларнинг ҳар қайсиси ўзининг асосий вазифасининг ҳайкал мужассами бўла олмади. Халқнинг руҳига эҳтиёт билан яқинлашиб, унга таъсир ижро қила олмади. Ҳар бир халқнинг уйғониш даврида ғоят муҳим ўрин тутадирғон бу уч буюк қуролни ўз вазифаларининг руҳи билан суғориш бизнинг навбатдаги ишимиздир... Бизнинг тадрижий тараққиётимиз шул йўллар билан борса керак. Акс ҳолда, биз ўз мозийимиздан узулиб халқнинг ғурбатда қолишига сабаб бўлурмиз”, деб хулосалайди.

Хайринисо Мажидхонова ота-онаси ва оила аъзолари билан.

1922 йилнинг сўнгида Германияда таҳсил олишга юборилаётган талабалар қаторида ўзбек қизлари тошкентлик Хайринисо Мажидхонова, Саида Шерахмадбоева ва хоразмлик Марям Султонмуродова бор эди. Қизлар учун оддий мактабга қатнашнинг ўзи жиддий қаршиликка учраб турган бир вақтда уларнинг таҳсил учун узоқ хорижга йўл олиши зиёлилар томонидан улкан жасорат сифатида баҳоланди. Ҳатто ёш шоир Боту Хайринисонинг Германияга кетаётгани муносабати билан махсус шеър битди:

Қоро турмуш чангалидан қутилиб,
Эрк чечаги тақа олғон кучли қиз,
Эски одат санамларин парчалаб
Эрк-Тангрига сажда қилғон руҳли қиз,
Йўлинг тўғри, ортга боқма, кетавер!
Илгарилаш ашуласин айтавер!

Хайринисо Мажидхонова 1923-1924 йилларда Берлинда хорижликлар учун немис тилини ўрганиш мактабида ўқиб, ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома олди. 1924-1926 йилларда эса Дармштатдаги (Darmstadt) ўқитувчилар семинариясида немис тили ва адабиёти йўналишида таҳсил олди. 1926-1928 йилларда амалиётни Берлин шаҳридаги ўқув муассасаларида ўтаб, ўрта махсус маълумот олгани тўғрисидаги дипломни қўлга киритди. У Берлинда педагогик амалиёт билан бир пайтда машҳур доктор Феккельманнинг тиббиёт ходимларини тайёрловчи хусусий мактабида ҳам ўқиди.

Хайринисо Мажидхонова 1928 йили Ўзбекистонга қайтиб, Тошкентдаги Касаба уюшмалари марказий қўмитаси ходимлари жумҳурият бошланғич ва умумтаълим ўқитувчиларининг дам олиш уйида шифокор бўлиб ишлай бошлади. Ўша йилларда Хайринисонинг республикамизнинг энг чекка ҳудудларида болалар ва ўсмирлар соғлиғини назорат қиладиган кўриклар ташкил этгани алоҳида эътиборга моликдир. 1935 йили Тошкент тиббиёт институтини битирган Хайринисо ўқитувчилар дам олиш уйида врач-терапевт ҳамда Файзулла Хўжаев номидаги Ўзбек пойабзал трести амбулаториясида шифокор-врач бўлиб ишлади. Афсуски, олдига қўйган буюк мақсадлар йўлидан бораётган Хайринисо Мажидхонова навқирон 32 ёшида тоталитар тузумнинг қонли қатағони гирдобига тортилди. У ҳали оила қуриб ҳам улгурмаганди.

1937 йил. Миллат гулларини маҳв этишга киришган сталинча қатағон қиличи қонсираган кунлар. Ўша йилнинг 13 сентябрида “1922-1928 йилларда Германияда ўқиган ва 1928 йили СССР ҳудудига жосус сифатида қайтган” деган сохта айблов билан Хайринисо Мажидхонова ҳам қамоққа олинди. Шу куни берилган ордер асосида у яшаётган, отасига тегишли Катта Миробод кўчаси 43-уй 1-хонадонда тинтув ўтказилди. Натижада унинг умри давомида тўплаган китоблари, таржималари, хатлари, суратлари, ҳатто қўл соати, шахсий ойнаси, уйнинг калити, тинтув пайтида топилган 30 сўм пул ҳам хатланиб, далолатнома асосида олиб кетилди.

Тергов жараёнида асосий эътибор 1927 йилнинг ёзги таътили вақтида дугонаси Марям Султонмуродова билан бирга Париж саёҳати ва у ерда Мустафо Чўқай ҳамда Бухородан Германияга таҳсил олиш учун юборилган Аҳмад Наим билан бўлган тасодифий учрашуви тафсилотига қаратилди. Хайринисо туҳматлардан иборат айбловларнинг барчасини рад этди, қийноқларга чидади. Бироқ бу унинг ЎзССР Жиноят кодексининг 57-I (Ватанга хиёнат, ҳарбий ва давлат сирларини сотиш, шпионаж), 62- (аксилсовет тарғибот), 67- (аксилинқилобий ташкилотга аъзолик) моддалари билан айбдор деб топилишига тўсқинлик қила олмади. 1938 йилнинг 9 октябрида ўтказилган машъум “учлик” суди қўйилган айбларнинг ҳеч бири исботланмаганига қарамай, унга ўлим жазосини белгилади. Ҳукм ўша куннинг ўзидаёқ ижро этилди.

Сталинизмнинг сохта айбловлари фош этилиши билан унинг опа-сингиллари ҳам Хайринисонинг иши ва унинг сўнгги тақдири билан қизиқди. Бироқ масъул идоранинг Хайринисо Мажидхонова 1942 йил жазони ижро этиш даврида вафот этган деган хабаридан сўнг оила аъзолари қайта бу масалани кўтармади. Хайринисо Мажидхонова кўп йиллардан сўнг 1999 йил 7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан оқланди.

Ватанга қайтгач, Хайринисо ўз ташаббуси билан маҳалладаги болаларни тиббий кўрикдан ўтказган.

Мулоҳаза

Пешлавҳалар НЕГА ЎЗБЕКЧА ЭМАС?

Шерзод ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилояти
Қоракўл тумани ҳокими маслаҳатчиси

Касбим тақозоси билан тумандаги жамоат жойлари, бозорлар ҳамда кўчалардаги савдо дўконлари пештоқига ёзилган турли лавҳа ва реклама баннерларининг давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига қанчалар мослигини ўрганганимда, ўзбек тилида ёзилган пешлавҳаларни жуда кам учратганим мени ташвишга солди.

Шундан англадимки, ўттиз йил давомида ўзимизни ўзимиз “Биз мустақилликдан аввалроқ ўзбек тилига давлат тили мақомини берган халқмиз”, дея овутиб юрган эканмиз. Тан олиш керак, 1989 йилда “Давлат тили ҳақида”ги қонун ўз-ўзидан қабул қилинмаган. Уни қабул қилиш жараёнини бевосита кузатмаган, иштирок этмаган бўлсам ҳам ўша лаҳзалар тушириган видеотасвирларни кўрганда, ўзбек тилига нечоғлиқ заҳмат ва машаққатлар эвазига давлат тили мақоми берилганига ишонч ҳосил қиламан.

Шунда улгуржи савдо дўконининг пештоқига “оптом” деб ёзиб (афсуски, бундай ёзувлар керагидан ортиқ), “Қайси тилда ёзиш менинг шахсий ишим”, деб уни ўзгартиришни истамаётган дўкондорга ачиниб кетаман. Унга қарата: “Шуни унутмангки, жамиятда тил масаласи шахсий масала эмас, сиз бу қилмишингиз билан маҳсулотингизга қўшиб, бешиқдаёқ онангиз айтган алла билан жонингизга сингган она тилингизни ҳам “оптом”га сотаётганингизни қачон англайсиз?” дегим келади.

Агар ўша ёзув онанинг тунлари ухламай айтган алласи ҳаққи-ҳурмати ўзбек тилида ёзилса, харидор дўконга кирмай қўядими? Сиз олам аро қадр-қимматингизни белгилайдиган бойликни сотишни тўхтатинг! Шундай қилсангиз, жамиятда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми мустаҳкамланади, шунда сизгача етиб келган она тилингиз фарзандингизга тўла-тўкис мерос қолади.

Дилдаги гап

Зулфия МЎМИНОВА,
шоира

Ҳар баҳор осмонда учиб кетаётган турналарни кузатганмисиз? Турналар ҳеч қачон якка-ёлғиз учмайдилар. Битта, иккита бўлиб олис манзилга йўл олмайдилар. Улар фалакда бир-бирини ҳис этиб, бир-биридан қувват олади. Совуқ шамоллар, бешафқат бўронлар уларни ҳам четлаб ўтмайди, албатта.

МАНГУ ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Ўша синовли пайтларда турналарнинг энг бошида учиб кетаётган биринчи турнага жуда оғир бўларкан. У ўзининг ортидан келаётган турналарга осон бўлсин учун совуқ шамолларни ўткир тумшуғи ва қанотлари билан ёриб, йўл очиб бораркан. Митти юрак-часи билан унга эргашганларга осон бўлиши учун зарбаларнинг энг оғирини қабул қилиб учадиган биринчи турнанинг жасоратини таърифлашга сўз ожиз. Кўзланган нурли манзилга етгач, турналар галаси биринчи турнага яқин келиб, гилам бўлиб “қурей, қурей, қурей” дея олқишлар экан.

Мен уларнинг овозида мангу ҳаёт қўшиғини эшитгандай бўламан. Илоҳий боғлиқликни кўргандай бўламан. Шунинг учун улар нурли манзилга эсон-омон етиб келадилар. Бугунги синовли кунларни бошидан кечираётган халқимиздаги илоҳий боғлиқлик бизни ҳам ҳадемай шукрона давраларга етказишига шак-шубҳа йўқ.

Коронавирус билан кураш доирасида тадбиркорлар, ҳунармандлар кўплаб солиқ имтиёзларига эга бўлди. Бозорлар, супермаркетлар, катта-кичик озиқ-овқат дўконлари минг ноз-неъматлар билан тўла. Дорихоналар дори-дармонлар билан мунтазам таъминланмоқда. Осудалигимиз посбонлари неча марта алмашиб, 24 соат тик оёқда туриб, тартиб-интизомни назорат қилмоқда. Карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда деҳқонлар далаларда уруғ қадамоқда. Фермер хўжаликларимиз, агрономларимиз, сув тармоқлари хизматчилари, ирригаторларимиз, оилавий тадбиркорларнинг уддабуронлиги боис, мева-сабзавотларимизни, олмаю анор, ёнғоғу майиз, пистаю бодом, туршак, шафтоли қоқию анжир, тут қоқилари, ер ёнғоқларни, дармондори кўкатларни ташиётган карвонларнинг кети узилмайди. Ун заводларимиз, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлайдиган цехларимиз, новвойхоналаримиз бир зум тинган эмас. Сут, қатиқ, қаймоқ, творог, сариёғ, турли пишлоқлар истеъмолчи дастурхонига бир лаҳза кечиккани йўқ. Ширинликлар — турли тортлар, конфетлар, минг хил пишириқларни, шарбатларни танлаб харид қилишингиз мумкин.

От гўшти, қўй гўшти, мол гўшти, товуқ гўшти, қўён гўшти, махсус ҳовузчаларда ўйнаб ётган балиқлардан тортиб, балиқ маҳсулотларини санаб адо этиб бўлмайди. Буларнинг ҳар бири ортида кучли давлат бошқаруви, қатъий назоратдаги тизим, халқнинг манфаати ва бахтиёрлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар турибди.

Бир дона буғдойни инига ташиб келиш учун заҳмат чекаётган чумолининг машаққатларини кўз ўнгимизга келтирсак, дастурхонимизда турган бир дона нон учун қанча одам шу кечаю кундузда тер тўкишини тушуниш қийин эмас. Чегараларимизни еру кўкдан қўриқлаётган, кўкси қалқон армиямиз арслонлари фароғатимизни таъминламоқда.

Коронавирусга чалинган беморларни даволаш, карантин муддатини бехатар ўтказиш, вирусни тарқаб кетишининг олдини олиш учун республикамизда ҳар бири 10 минг ўринли 5 та шифохона қурилаётир, улардан баъзилари ишга тушди. Бу дегани, минглаб қурувчиларимиз бошларида махсус каска, юзларида ниқоб, қўлларида махсус қўлқоплар билан карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, кечаю кундуз аждардек пишқирган машиналарни, кранларни бошқармоқда. Бош кўтармай ишлаётган, ғишт тераётган, бетон қориётган, чанг ютаётган, бўёқларнинг аччиқ ҳидидан нафас олаётган бу мардларнинг шижоати нега тўхтамаяпти? Чунки уларнинг уйларида карантинни сабр билан ўтказаётган азиз ота-оналари, фаришта фарзандлари бор. Чунки уларнинг қалбида она Ватанга меҳр ва садоқат мавжуд.

14 кунлик карантин муддатида назоратда турганларга хизмат қилаётган илмий лабораториялар, эпидемиологлар, тез тиббий ёрдам клиник шифохоналари шифокорлари, анестезиологлар, реаниматологлар, ҳамширалар, палаталарни ҳар ярим соатда хлорли сувларда артиб тозалаётган фаррошлар, беморларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бераётган таъминотчилар, таомлар пишираётган, фиточойлар узатаётган шифохона ошпазларининг-да, ниятлари улуғ — вируснинг устидан ғалаба қилиш.

Бу урушдан ҳам оғир уруш, десам хато бўлмайди, чунки урушда душман қаердан бош кўтараётганини кўриб турасан, ўшанга қарши стратегик услублар қўллайсан. Унинг жойини аниқлаб, ўша ерга ўт очасан, уни яксон қилиб ташлайсан. Коронавирус жуда номард душман. У сенинг энг азиз одамларинг вужудига кириб олади. У яшириниб олишда шайтондан дарс олган. Қўллар, бармоқлар, тирноқлар, темиру ёғоч, эшигу тутқич, терию танада, юзу кўзда пайдо бўлади. У жуда ёвуз, ҳеч қандай қуролсиз бир кунда минг-минглаб одамларнинг ёстиғини қуритиши мумкин. Манаман деган давлатларда ҳам бир кунда саккиз юз, тўқиз юзлаб инсон қурбон бўлмоқда.

Мен бу ҳолатни душманга сотилиб, ўз ватандошларини, ота-онасини, севимли ёрини, муғрак гўдакларини ёв қўлига топширган хоиннинг ҳолатига ўхшатдим. Душман қўлида жигарларинг ҳалок бўлишини кўришни истайсанми? Сен туфайли сендан минг марта ақлли одам ҳаётдан кўз юмса, сени кечириб бўладими? Сенинг густоҳлигинг туфайли оламни ақлу идроки билан бахтиёр қилиши мумкин бўлган келажакнинг миттигина Форобийси, Фарғонийси, Бухорийси, Термизийси, Абулайс Самарқандийси бой берилса, сени оқлаб бўладими?

Бу сотқинликни кечириб бўладими? ЙЎҚ! АСЛО!

Эрта тонгда деразамни очаман. Майин шабода димоғимга баҳор чечакларининг ифорини олиб келади. Бирдан қудратли машиналар кўчамизни хлорланган сув билан ювиб ўтади. Барибир, деразамни ёпмайман. Бугун хлорланган сув ҳидидан ҳам менга умр баҳорларининг энтиктирувчи бўйи келгандай бўлади. Осмонга қарайман, олислаб кетган турналарни кўрмай қолибман. Уларнинг мангу ҳаёт ҳақидаги қўшиғи қулоғимда чалинаверади. Яратганнинг илоҳий бу қушларининг нурли манзилларга омон етишини таъминлайдиган омил мустаҳкам бирлигидадир. Бўронларда ўзларини ҳар қайси тарафга урмайдилар. Сафларига хиёнат қилмайдилар. Изғиринларни кўкси билан ёриб, биринчи турнани “қурей, қурей, қурей” дея олқишлаб, қўллаб-қувватлаб парвозда давом этадилар.

Биз бугун бўронни кесиб учаётган турналарга ўхшаймиз. Илоҳий сезги, илоҳий муҳаббат, енгилмас кучқудрат, мангу ҳаёт қўшиғимиз билан ўхшаймиз.

Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”и барча ўзбеклар учун худди шу замонда ёзилгандек, тушунарли ва ёқимлидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 15 май, 84-сон

Боқий мерос

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор

Болалик хотираларим уйғонди. Тўрт ёшларда бўлсам керак, тоғамникига меҳмон бўлиб борган эдик. Кечки овқатдан кейин танча атрофида, ўнинчи чироқ ёғдусида китобхонлик бўлди. Мирориф тоғамнинг рафиқалари Зуҳрабиби отин “дидиё” услубида китоб ўқир эди. Бир маҳал ўз исмимни эшитиб қолгандай бўлдим.

“ДЕВОНИ ҲИКМАТ”ДАН ЯРАЛГАН ҲИКМАТ

— Она, шу ерини яна ўқинг, — дедим мен.

Онам, маънавий онам, менинг биринчи устозим Зуҳрабиби отин мени дарҳол тушунди. Ёш бола демай, китобнинг мен сўраган жойини қайта ўқиди:

Қаҳҳор эгам, қаҳрингдан қўрқиб,
йиғлар Қул Хожа Аҳмад,
Раҳмон эгам, раҳмингдан
умид тутар Қул Хожа Аҳмад.

Китобхонлик тугагач, онам менга меҳр билан қараб, бундай деди:

— Ўғлим, сўзларни фарқлай бошлабсан, энди сенга алифбони ўргатаман. Биринчи бўлиб шу китобни ўзинг ўқийсан, — дея ўқилаётган китобни қўлимга тутқазди. Кейин билсам, бу китоб Аҳмад Яссавий бобомизнинг “Девони ҳикмат”и экан. Қозонда тошбосмада чоп этилган, у ҳамон менда, маънавий онамдан бир ёдгорлик бўлиб сақланади, ўқилавериб, варақланавериб анча уринган, сариғиш қоғозга босилган. “Шарқ” нашриётида янги муқова ишлатганман.

Ўша куннинг эртасига нонуштадан кейин онам ёнига ўтқазиб, менга алифбо ўргата бошлади.

— Биринчи ҳарф — А, алиф дейилади. Лекин сенинг исминг бошқа ҳарф — “Айн” билан бошланади, бунга кейин келамиз. Исминг Абдуқаҳҳор, Қаҳҳор дейишса, жавоб берма, индама. Қаҳҳор Аллоҳ таолонинг бир исми. Исм тўлиқ айтилса, исм эгаси узоқ умр кўради, — дейди у.

Мен онам айтганидай қилдим, исмимни тўлиқ айтмаса, жавоб қилмадим. Шу йўл билан ҳамон “Абдуқаҳҳор” бўлиб келяпман. Балки улуғ ёшларга етиб келаётганимга онамнинг айтганига риоя қилаётганим ҳам сабаб бўлса, ажаб эмас.

Онамдан алифбо ўрганаётган кезларимда отам ҳали урушга кетмаганди. “Оқилон” маҳалласидаги атрофи тўрт пахса девор билан ўраб олинган қўрғонда яшардик. Ҳафтада бир марта “Ҳалимкўл” маҳалласига меҳмонга келиб, бир кун ётиб қолардик. Мен онамдан алифбо ўрганардим. Кейин турмуш тарзимиз ўзгарди, отам урушга кетди. Мен учта ҳарфни тўғри талаффуз қилмаганим учун уларни тўғри айтишга эришганимдан кейин — саккиз ёшимда мактабга бордим. Араб имлосида саводим чиққан эди. Кирилл ҳарфларини ўрганишим осон кечди.

Шўролар замонида “Девони ҳикмат” расман ман этилган китоблар рўйхатига киритилганди, “реакцион” асар дейиларди, шу сабабли яширинча ўқиларди. Истиқлолдан кейин Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди, яссавийлик тариқати кенг тадқиқ этила бошлади. “Девони ҳикмат” чоп этилиб, ўқувчилар эмин-эркин мутолаа қилмоқда.

Илмий қарашларда Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ икки жиҳат борки, якдил фикрга келиш зарур. Биринчидан, кўпгина манбаларда Аҳмад Яссавий 126 йил яшаган дейилади. (Яссавийлик ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун Асрор Самаднинг “Занги ота мақраді” рисоласига қарашингиз мумкин). Юқоридаги келтирилган сана бўйича ҳисобланганда 63 йил келиб чиқади. Бу борада ҳам бир битимга келиш лозим. Бизнингча, Яссавий бобомиз 63 йиллик умрини ер устида, кейинги 63 йилликни чиллахонада ўтказган, ер ости дейилганда, чиллахонани назарда тутсак, олам гулистон.

Иккинчидан, яссавийлик Марказий Осиёда вужудга келган, дейилади. Бу мутлақо нотўғри. Марказий Осиё ҳудуди Осиё материгининг ички қисми бўлиб, майдони 6 миллион карра километрдир. Шимолда Олтой ва Тува ўлкаларидан тортиб, жанубда Тибетгача, Шарқда Манжуриядан тортиб, Ғарбда Хонтангри (Тиёншон) тоғигача чўзилган. Эндиликда бу ҳудуд Россия, Мўғулистон ва Хитой таркибидадир. Бинобарин, Аҳмад Яссавий ҳам, унинг таълимоти — яссавийлик ҳам Туркистон мамлакатида дунёга келган. Афсуски, юзлаб филолог олимларимиз, Фанлар академиямизнинг бутун бошли Тил ва адабиёт институти бўла туриб, ҳалигача Аҳмад Яссавий ҳақида бир мукаммал монографиямиз йўқ, “Девони ҳикмат”нинг академик мукаммал нашри чоп этилмаган. Ваҳоланки, Қозоғистонда шу масала билан шуғулланишмоқда.



Шу боис, ҳаттоки Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам (3-жилд, 229-230-бетлар) “Девони ҳикмат” деган мақолада “Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат”ни шу ном билан китоб тарзида тартиб бермаган. Уни Яссавийнинг мурид ва издошлари тузган. Яъни устозларининг ҳикматларини бир жойга жамлаб, унга “Девони ҳикмат” номини берган... “Девони ҳикмат”даги ҳамма шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас (?). Унда (унга бўлса керак) Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган... Яссавий ҳикматлари оғиздан-оғизга кўчиб, китобдан-китобга ўтиб, ўз асл тилини ва услубини ўзгартирган... “Девони ҳикмат” фақат Яссавийники бўлмай, яссавий тариқатининг бир неча асрлик умумий бир адабий ёдгорлиги ҳисобланади”. Бу ғаразли “фикр”ларга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Ғаразли экани шундаки, қандай бўлмасин, нима қилиб бўлмасин, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиёти тарихини “ёшартиш”, уларга XI асрда эмас, XV асрда, ҳаттоки ундан кейин вужудга келган деган асоссиз фикрни ёйиш, камситиш. Инсоф билан, холис туриб, фикрни бир жойга тўплаб, некбин қараш билан “Девон ҳикмат”ни ўқисангиз, у бошдан-оёқ ягона ғоявий мазмунда, ягона услубда яратилганига ишонч ҳосил қиласиз. Жамоа бўлиб бундай бир бутун асарни яратиб бўлмайди. Унинг муаллифи фақат Аҳмад Яссавий бобомиздир.

“Девони ҳикмат”ни Яссавийнинг мурид ва издошлари тузган”, деган фикрга келсак, бундай ҳолатлар жаҳон адабиёти тарихида учраб келган. Масалан, Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичингдадир” китобини вафотидан кейин мурид ва издошлари тузган. Лекин ҳеч ким бу ҳолатга салбий фикр билдирмаган. “Девони ҳикмат”га худди шу тарзда баҳо бермоқ керак. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидек мўътабар манбада Аҳмад Яссавий ва унинг шоҳ асари — “Девони ҳикмат”га нописанд муносабат асло кечирилмас ҳолдир. Демак, ҳар бир китобнинг мукаммал нашр бўлиши учун муҳаррирдан тортиб, таҳрир ҳайъати аъзоларигача масъулиятни ҳис этиши зарур.

“Бизким, ўзбеклар” деган китобимда Аҳмад Яссавий бобомиз ҳақларида, жумладан, бундай ёзганман: “Табаррук Туркистон сўзини тилга олган эканмиз, шу ўринда қадим тарихимиз мухлислари бўлмиш ҳурматли китобхонларга Туркистон мамлакати деган тушунчадан Туркистон шаҳри деган тушунчани фарқламоқ зарурлигини уқтириш учун қисқача маълумот бериб ўтишни жоиз кўрамиз. Туркистон шаҳри — Туркистон мамлакатининг қадимий кентларидан бири. Муҳим савдо ва ҳунармандчилик, илм-фан, адабиёт ва диний марказлари бўлиб келган бу шаҳар қачон қурилгани ҳозирча номаълум. Араб географларининг асарларида келтирилган маълумотларга кўра, милодий IV—X асрларда ҳозирги Туркистон шаҳри ўрнида Шавгар (Шоважар) деган шаҳар бўлган. Бу шаҳар XII—XIV асрларда Ясси деб аталган. Сайрамда туғилиб, мазкур шаҳарда нашъу намо топган шоир Аҳмад Иброҳим ўғли ўзига Яссавий деган тахаллусни олгач, бу шаҳарнинг номи бутун турк дунёсига машҳур бўлиб кетади. Ясси шаҳри XV асрдан бошлаб Туркистон деб атала бошланади. Бу ҳол ўзбек хонларидан бўлмиш Мирзо Улуғбекнинг қуёви Абулхайрхон XV асрнинг ўрталарида ўз давлати пойтахтини Сибирияда жойлашган Тура шаҳридан жанубга — мазкур шаҳарга кўчириб келиши билан боғлиқ, деган маълумотлар ҳам бор”.

Ясси — Туркистон деганда, энг аввало, ислом динининг жуда машҳур ва буюк арбобларидан бири, **ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётимизнинг илк асосчиларидан бири,** комил ва ориф одам Аҳмад Яссавий ҳазратларини ҳамда ул улуғ зотнинг хотирасини абадийлаштириш ва қадрлаш мақсадида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан қурдирилган салобатли ва маҳобатли мақбара кўз олдимизда гавдаланади. Шу боис бўлса керак, ҳожатбарор Турк пири зиёратига отланган ҳожатталаб кишилар, шу жумладан, Тошкент аҳли Туркистон шаҳрини тўғридан-тўғри “Султоним”, “Ҳазрат Султоним” деган ҳолатларга шоҳид бўлганмиз. Зиёратдан кейин, чунончи, фарзандталаб кишилар дуолари Аллоҳ таоло томонидан ижобат бўлиб, ўғил кўрсалар, исмини Султон, қиз кўрсалар эса Мирзо Улуғбекнинг ўша табаррук тупроқ-қа дафн этилган қизининг отига нисбат бериб, Робия, Робиясултонбегим деб аташлари урфдир.

Сўнгги йилларда чет элларда, айниқса, бизга қўшни туркий давлатларда Аҳмад Яссавий ижодига қизиқиш янада кучайди. Халқаро илмий-адабий анжуманларда Аҳмад Яссавий бобомиз турк дунёси шеъриятининг отаси, деб ҳақли эътироф этилмоқда. Маълумки, Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат”ида Туркистонни, туркий тилни кўп улуғлайди, “Отим Аҳмад, Туркистондир элим менинг”, “Юртим турк, элим турк, тилим туркдир. Тилим кўп тиллардан кўрукликдир”, дея фахрланади. Аҳмад Яссавий Туркистон сўзини тилга олганда, она Ватанимизни кўзда тутган, албатта. Бироқ баъзи олимлар, айниқса, умумтарихимиз, шу жумладан, шаҳарларимиз тарихидан, бу ўринда Туркистон шаҳри ўтмишидан камроқ хабардор айрим адабиётчилар “Аҳмад Яссавий Туркистон сўзини ҳам Туркистон мамлакати маъносини, ҳам Туркистон шаҳри маъносини англатишда қўллаган”, деган фикрни билдиради. Бу бир томонлама мулоҳазадир. Чунки Аҳмад Яссавий замонида бу шаҳар Ясси деб аталган, шунинг учун ҳам унинг тахаллуси “Яссавий”, “Туркистоний” эмас, орадан камида уч асрча вақт ўтгач, Ясси шаҳри Туркистон деб юритила бошлаган. Бинобарин, Аҳмад Яссавий Туркистон деганда, бутун она Ватанимизни, яъни барча туркий халқлар яшаётган ҳудудни назарда тутган, дейиш ҳақиқатга мувофиқдир. Масаланинг яна бир муҳим томони шуки, қардошларимиз, жумладан, турклар, қозоқлар, қирғизлар, татарлар Яссавий шеърияти билан туркий (ўзбек) тилидаги аслиятидан ўз тилларига қилинган **таржималар** орқали, яъни билвосита танишмоқда ҳамда халқаро илмий-адабий анжуманларда ана шу **таржималарга** асосланиб, сўз юритмоқда. Қардош халқлар тилларида чиқадиган баъзи вақтли матбуот саҳифаларида Яссавий ҳикматларидан таржималар чоп этилганда, бу матн ўзбекчадан таржима экани ва таржимоннинг номи кўрсатилмаётир. Натижада тарихдан бехабар ёш ўқувчиларда Аҳмад Яссавий ва унинг ижоди ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. **Барча туркий халқлар даврасида фақат бизким, ўзбеклар биринчи ворис ўлароқ, Аҳмад Яссавий шеъриятини аслиятида бевосита ўқиймиз,** чунки Аҳмад Яссавий тили ўзбек адабий тилининг халқчил ва ёрқин намуналаридан биридир.

Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикмат”и барча ўзбеклар учун худди шу замонда ёзилгандек, тушунарли ва ёқимлидир. Бу ҳолатдан англашиладики, бизким, ўзбеклар ўз ёзма адабий тилини камида ўн асрдан бери ардоқлаб, замон синовларидан омон-эсон сақлаб қолиб, тобора бойитиб ва жило бериб келаётганимиз билан фахрлансак, арзийди. Бас, шундай экан, бу буюк ижодкорнинг биринчи ва асосий ориси сифатида Аҳмад Яссавийнинг ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда туркий халқлар адабиётлари равнақида тутган ўрни ва аҳамиятига бағишлаб республикамизда барча етук яссавийшунос олимлар иштирокида бир илмий-адабий анжуман ўтказилса, кўп савоб иш бўлади, деган умиддамиз.

Таълим

Мажид КАРИМОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори

Президентимиз раислигида шу йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишда ўқув йилини сифатли якунлаш, битирув ва кириш имтиҳонларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Таълимга дахлдор барча вазирлик ва идоралар, муассасалар зиммасига мавжуд масалаларни содда ва қулай, лекин карантин талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда ҳал этиш мажбурияти юкланди.

БУ ЙИЛГИ ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАЧОН ВА ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун учта мажбурий ва иккита мутахассислик фанидан имтиҳон топшириши бўйича шу йил жорий этилаётан амалиёт юзасидан ҳам фикр билдирди. Карантин шароитида ёшларнинг имтиҳонга тўла тайёргарлик кўриш имконияти чеклангани таъкидланиб, Давлат тест маркази олдига тезкорлик билан ҳал этиладиган долзарб вазифаларни қўйди.

Дарҳақиқат, карантин чекловлари туфайли абитуриентлар кириш тест синовларига кўнгилдагидек тайёргарлик кўролмагани аниқ. Шу боис, бу йил олий таълим олишга ҳаракат қилаётган ёшлар учун қатор енгилликлар кўзда тутилмоқда. Аввало, тест топшириқлари соддалаштириляпти. Хусусан, фанлар кесимида ҳар бир вариантда қўлланиладиган биринчи қийинлик даражасидаги (энг осон) тест топшириқлари сони 6 тадан ўртача 10 тагача етказилмоқда. Абитуриентларнинг тест топшириқларини тез англай олишлари, фикрлашлари ва вақт тежашлари учун жорий йилда ҳам тарих, география, чет тили (инглиз, немис, француз), биология ва кимё фанларидан расмли тест топшириқлари бўлади. Она тили ва адабиёт фанидан мустақил ўқиш учун тавсия қилинган бадиий асарлардан тест топшириқлари сони кўпаяди, матн таркибидаги сўзларни тўғри қўллангани, гапларни тўғри тузилганини аниқлаш, матндаги сўзларнинг маъносини топиш ва матннинг асосий мазмунини тушуниш юзасидан тест топшириқлари шакллантирилмоқда. Кимё фанидан назарий саволлар сони оширилади, лаборатория ишларига оид тест топшириқлари яратилади. Физика фанидан ҳам энг осон тест топшириқлари сони 10 тага ошиб, назарий тест топшириқлар сони кўпайтирилади. Шунингдек, абитуриентларга янада қулайлик яратиш мақсадида “Доимий физик катталиклар жадвали” ишлаб чиқилди, у тест синови жараёнида тақдим этилади.

Яна бир енгиллик шуки, абитуриентларни рўйхатга олишда киритиладиган маълумотлар яна ҳам камайтирилади. Рўйхатдан ўтиш жараёни Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали онлайн режимда амалга оширилади. Уйидан чиқмаган ҳолда, мобиль телефон (компьютер) ёрдамида рўйхатдан ўтиш имконияти яратилади.

Айни пайтда яратилган зарурий дастурлар Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида тест режимида ишга туширилди ва ҳозир абитуриентлар кўникма ҳосил қилиш, умуман, машқ қилиш учун ундан фойдаланмоқда.

Тест натижасини эълон қилиш тартиби, эълон қилиш манбалари ўзгармаганини эслатиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, эндиликда абитуриентлар инглиз, немис ва француз тилларидан ташқари, ўзбек, рус, қорақалпоқ тили ва адабиёт, математика фанларидан ҳам миллий сертификат олиши ва бу фанлардан тест синови топширмай, максимал баллни қўлга киритиши мумкин. Бу имконият жорий йил охирига қадар йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, келаси йилдан бошлаб бошқа умумтаълим фанларидан ҳам мазкур тажриба босқичма-босқич амалга оширилади.

Шу ўринда айни кунларда абитуриентларни қизиқтирган тест синовлари бўлиб ўтадиган муддат ва бу йилдан жорий қилинаётган тест синови топшириладиган 5 та фан тўғрисида маълумот бериб ўтсак.

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, белгиланган муддат ва 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб тест синови топшириладиган фанлар мажмуасини икки бўлимга ажратиб, биринчи бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий учта фан — она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи, иккинчи бўлимга абитуриент танлаган бакалавриат таълим йўналишига мос иккита фан киритиш ҳозир ҳам амалда. Мамлакатимизда давом этаётган пандемия шароитида эҳтимолий вазият ҳақида олдиндан бир нима дейиш қийин. Масалан, карантин чекловлари бекор қилиниши ҳам, аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бу борада муҳим қарорни республика махсус комиссия чиқаради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик тезкорлик билан хабардор қилинади.

Умуман, абитуриентларга жиддий, пухта тайёрланиш тавсия қилинади. Бу йилги кириш тест синовлари қачон ва қай тартибда бўлмасин, барибир ўтказилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1288.
42644 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 21:30 Топширилди — 1:10 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15